

**Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х У Қ М**

2024 йил октябрь ойининг 8 куни, жиноят ишлари бўйича Шахрихон туман суди, “Янги турмуш” маҳалла биносига, очик сайёр суд мажлисида, шу суд судьяси С.Холбатировнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Жўраеванинг котибалигида, тарафлардан Шахрихон туман прокурорининг ёрдамчиси Д.Тўхтасинов, судланувчи Д.Ахмаджонов ва унинг ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат Ш.Алижоновнинг иштирокида,

**Ахмаджонов Дониёрбек Дилмурод ўғли**  
(**AHMADJONOV DONIYORBEK DILMUROD O'G'LI**), 2006 йил 24 августда Шахрихон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, судланмаган, мавсумий ишчи, Шахрихон тумани, Янги турмуш маҳалла, Қашқар кўчаси, 154-уйда яшайди, иш бўйича 2024 йил 20 август куни шахсий кафиликка бериш тўғрисида эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 12 сентябрь куни олганни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан билан айбланишга оид 1-1716-2402/239-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов ва суд жараёнида тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб, уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг фикрларини ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Судланувчи Д.Ахмаджонов ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йил 19 январь куни соат 12 ларда Шахрихон тумани, “Абдусамат” маҳалла ҳудудида жойлашган “Умрбод” МЧЖга қарашли бозор ҳожатхонасида А.Нўмоновни эғнидаги пальтосини ечиб таҳорат олгани кириб кетганлигидан фойдаланиб, унинг қаровсиз қолган пальтосининг чап ён чўнтагида бўлган бир дона нархи 1.300.000 сўмлик “RedMi note-11” русумли уяли телефон аппаратини яширин равишда талон-торож қилган.

Судда сўралган Д.Ахмаджонов айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 19 январь куни соат 12:00 ларда Шахрихон тумани, “Абдусамат” маҳалла ҳудудида жойлашган “Умрбод” МЧЖга қарашли бозор ҳожатхонасида кийим илгичда илинган пальтонинг чап чўнтагидан эгаси йўқлигидан фойдаланиб бир дона “RedMi note 11” русумли телефон аппаратини ўғирлаб кетгани, шундан сўнг телефон ичидаги сим картасини олиб ташлаб юборгани, телефонни ички хотираларини ўчириб, орадан 1-2 соат ўтгач Шахрихон тумани, “Беруний” номли болалар боғи тўғрисида жойлашган “Samsung 777” телефон сотиладиган савдо дўконига кириб, телефонни ўзига тегишли эканлигини айтиб, дўкон эгасига 1.300.000 сўмга сотиб юборгани, пулларни



Ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани, ҳозирда етказилган зарар қоплангани, телефон аппарати эгасига қайтарилгани, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Д.Ахмаджоновнинг юқорида баён қилинган жиноятни содир этганликдаги айби, уларнинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд муҳокамасида текширилган қўйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди, жумладан:

- жабрланувчи вакили А.Нумоновнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 19 январь куни Шаҳрихон тумани, “Абдусамат” маҳалла ҳудудида жойлашган “Умрбод” МЧЖга қаршли бозор ҳожатхонасида кийим илгичга пальтосини илиб, таҳорат олгани кириб кетгани, таҳорат олиб чиқиб, пальтосини олиб эгнига кийиб чўнтагига қўлини солганида пальто чўнтагида бўлган “RedMi note-11” русумли телефони йўқлигини билгани, шунда телефонига кўнғироқ қилганида чақирув бўлгани, лекин телефонни кўтармагани, суриштирув давомида ўғирликни Д.Ахмаджонов содир этиб, телефонни бошқа шахсга сотиб юборгани маълум бўлгани, суриштирув даврида “RedMi note-11” русумли телефон аппарати бешикаст қайтарилиб, етказилган моддий тўлиқ қоплангани, судланувчи Д.Ахмаджоновга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

- шунингдек, судланувчининг қилмиш айби жиноят ишининг 5-варағидаги А.Нумовни туман ИИБ бошлиғи номига ёзган аризаси, 13-варағидаги нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённома, 14-18-варақларидаги А.Нумовни уяли телефон аппаратини қайтариб олганлигини тасдиқловчи тилхати ва фотожадваллар, 39-46-варақларидаги Д.Ахмаджоновнинг кўрсатувларини воқеа содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённома ва фотожадваллар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Ахмаджоновнинг содир этган жиноятини, яъни А.Нумоновнинг қаровсиз турган пальтосидан нархи 1.300.000 сўмлик “RedMi note 11” русумли уяли телефон аппаратини яширин равишда талон-торож қилганликда ифодаланган жиноий ҳаракатини ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорнинг 2-бандида, жабрланувчининг эгнида бўлган кийим-кечаги, қўлидаги ёки бевосита ёнида бўлган сумка, чамадон ва бошқа анжомларидан содир этилган яширин талон-торож қилиш қиссавурлик деб ҳисобланади ва ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан тавсифланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатлари ва суддаги ҳолатларга кўра, жабрланувчи А.Нумонов ҳожатхонага эгнидаги пальтосини ечиб, кийим илгичга илиб қўйиб,



тахоратхонага кириб кетгани, Д.Ахмаджонов ушбу фурсатдан фойдаланиб А.Нумоновнинг пальтосининг чўнтагидан телефон аппаратини ўғирлаб кетгани, Д.Ахмаджонов томонидан ўғирланган “RedMi note-11” русумли телефон аппарати жабрланувчининг эғнида бўлган кийим-кечаги, кўлидаги ёки бевосита ёнида бўлган сумка, чамадон ва бошқа анжомларидан ўғирланмагани аниқланган.

Бундай ҳолатда Д.Ахмаджонов томонидан содир этилган яширин талон-торож қилиш жиноятини кассавурлик деб баҳолаб бўлмайди.

Шунга кўра, Д.Ахмаджоновнинг ҳаракатини ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” бандидан шу кодекснинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги Д.Ахмаджоновни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, Д.Ахмаджоновга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандидаги судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга амал қилиб, қуйидаги тўхтамга келди.

Судланувчи Д.Ахмаджоновнинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир этганини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар таснифига киришини, оилавий шароити оғирлигини, етказилган зарар қопланганлигини, жабрланувчини даъвоси йўқлигини эътиборга олиб, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 82-моддаси тартибида қонун санкциясида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни, унинг эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни;



- ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил сифатида эътироф этилган нархи 1.300.000 сўмлик “RedMi note 11” русумли телефон аппарати жабрланувчи А.Нумоновга қайтарилганлигини инобатга олишни;

- етказилган моддий зарар тўлиқ қопланиб, жабрланувчининг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги аризасини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

### **х у к м қ и л а д и :**

Ахмаджонов Дониёрбек Дилмурод ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Д.Ахмаджоновга ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 82-моддасини ышллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) баравари миқдорида 1.020.000 (бир миллион йигирма минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Д.Ахмаджоновга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган нархи 1.300.000 сўмлик “RedMi note-11” русумли телефон аппарати жабрланувчи А.Нумоновга қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Етказилган моддий зарар тўлиқ қопланиб, жабрланувчининг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги аризаси инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, ўн сутка ичида, маҳкум, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, иш апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда қонуний кучга кирган ҳукм устидан кассация тартибида шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик этувчи судья:**

**(имзо)**

**С.Холбатиров**

**“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”**

**Туман судининг судьяси:**

**С.Холбатиров**



**Маъсул судья: Холбатиров Султонмаксуд Рафиқмирзаевич**



Хужжат имзоланган: Холбатиров Султонмаксуд Рафиқмирзаевич, 08.10.2024

